

## БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА МАҚОЛЛАР ВА ТОПИШМОҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ АҲАМИЯТИ

Турғунова Хуршида Тўлқиновна

Узун туман 18-умумий ўрта таълим мактабнинг бошлангич синф ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўқувчиларда мантикий фикрлашни ривожлантиришда фанларни ўзлаштиришда қўшимча адабиётлар ва мақол, ҳикматли сўзлардан фойдаланишинг методик имкониятлари баён қилинган. Ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини ривожлантириш бошлангич таълим мактабларининг долзарб ва асосий вазифаларидан биридир. Шахснинг ўз имкониятларини, ўзлигини намоён қила олиш, қобилиятларини юзага чиқара олиши, эркинликка интилиши - инсон ҳаётининг турли даврларида лозим бўлиши мумкин бўлган жараён бўлиб бошлангич синф даврида ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини ривожлантиришда асосий омил деб ҳисоблаймиз. Калит сўзлар: мақоллар, топишмоқ, эртаклар, фикрлаш, мантикий фикрлаш, ижодий фикрлаш, фикр, ақл.

Бугунги қуннинг таълим тизимида бўлаётган ўзгаришлар ва ислоҳотлар ўқитувчидан таълим жараёнида турлича метод ва қўшимча адабиётлардан фойдаланиши яхши самара беради. Бугунги кун ўқувчини ўзи таълимнинг бир томонлама маълум қолиб асосида олиб бориши яхши қабул қилмаётганлиги ва зерикарли бўлиб ёш болаларни таълим, мактабга бўлган қизиқишиларини сўниб боришига олиб келади.

Шуни учун ҳозирги замонавий ахборот ривожланган вақтда, техника воситалари, интернет тармоғи ва турли дидактик воситалардан фойдаланиш лозим бўлган бир вақтда мамлакатимизнинг барча мактабларида етарлича эмаслиги айни ҳақиқат. Шунинг учун мен ўз тажрибамдан келиб чиқсан ҳолда бошлангич синфларнинг фанлар кесимида турли йўл билан топишмоқ ва мақоллардан, эртак ва қисслардан ўз мавридига қўллаб келиш катта аҳамиятга эга. Мен ушбу тажрибани ўз дарс жараёнимда эътибор бериб амалда қўллаб келмоқдаман. Эътибор берадиган бўлсак қўшимча адабиёт ва турли дидактик воситаларидан фойдаланиш ўқувчи ёшига хос тарзда интихоб қилишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Мамлакатимизда бошлангич синфларда фанларни ўқитишида алоҳида эътибор қаратиб келаётганлиги, ўзлаштириш ва уларнинг натижаларини кузатиб бориш ўқувчиларни айни ёшлик пайтида катта ахборот олишига

имконият яратилади. Зеро бошланғич синф ўқувчилари энг асосийсиси ахборот қабул қилиш даври ва ўқишига қизиқиб бориш жараёни деб эътибор берадиган бўлсак, уларни қўшимча қизиқарли адабиёт ва топшириқларга жалб қилиш тажрибасини қўллаш мумкин.

Масалан математика дарсларида сонлар ва математик амалларни бажариш жараёнида боланинг психологик ҳолатини ва фикрлашга ундаш мақсадида орада таркибид сон бир дона топишмоқ ёки мақол айтиш, уни таҳлил қилиш боланинг келажак ҳаётида ушанинг мавридин қисқа вақтда тушунтириш ҳаётий қўнималарга олиб келади.

Бир синглим бор чиройли,  
Кўйлагин ҳеч ечмайди.  
Овқат берсам емайди,  
Хатто сув ҳам ичмайди.

(қўғирчок)

Икки дўст тизимдан,  
Колишмайди ўзимдан.

(этиқ, маҳси)

Шу оддийгина топишмоқ асосида болага бирданига болалик оламига саёҳат, оила ва aka укага нисбатан меҳр муҳаббат, ўйлашга чорлайди.

Агар шу каби бир дона мақол таҳлил қилсак ушбу мақол келажак ҳаётида унинг мия захирасига бир умрлик сақланиб қолади. Шу билан кейинги дарсларда болалар ўзлари шу каби топишмоқ ва мақоллар айтишга қизиқади ва ёдлаб келади. Хатто ёш балалар ота-онасидан сўраб ёдлаш ва турли хонадонларига мавжуд китоблардан фойдаланишни ўрганадилар .

Санамай “саккиз” дема.

Пашшадан фил ясама.

Шу каби мақоллар Саводхонлик дарсларида ҳам ишлатиш мумкин. Масалан эртаклар, яхшилик ва ёмонлик каби мавзуларга оид мавзулар жараёнида турли хил мавзулардаги мақоллардан фойдаланиш мумкин.

Яхшидан боғ қолар, ёмондан доғ қолар.

\*\*\*

Ёшдан хато, каттадан узр.

\*\*\*

Вақтинг кетди нақдинг кетди

Шу сабабли бошланғич синflарда ишлашда фанларни ўқитишида кўзда тутиладиган умумий мавзуларни ҳисобга олиш ва бу мавзуларни ҳал этишида бошланғич таълимнинг аҳамияти катта . Умумий ўрта таълим мактаб бошланғич синflарда давлат таълим стандарти дастурига тааллуқли қўпгина

масалалар бошланғич синфлардаёқ шу даражада мустаҳкам ўзлаштирилиши керак, бунда улар ўқувчилар онгида бутун умр сақланиб қолади. Шуни ҳисобга олиб таълим жараёнида турли топишмоқ ва мақоллар, эртаклар ва ривоятлардан фойдаланиш ва бошқа масалалар эса ўқитишининг дастлабки босқичида кейинги синфларда муфассал қараб чиқишига тайёргарлик кўриш мақсадидагина киритилади ёки бирор малака ва кўникмаларни шакллантириш жараёнида фикрлаш қобилияти даражасини ошириш имкониятига эга бўлиш учун киритилади. Мактабнинг бошланғич синфларида болалар барча фанлар ва мавзулар соҳасида қўллаш дастурда назарда тутилган билимлар, укувчилар ва кўникмаларнинг маълум ҳажмини онгли равишда ва мустаҳкам эгаллаб олишлари ҳақида гап борганда юқорида айтиб ўтилган мулоҳазаларни ҳисобга олиш керак.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлашини ривожлантириш ва юқорида таъкидлаган усулни қўпроқ синфдан ташқарида белгиланган мавзулар, тўғарак иши соатлари, танловлар ва шу асосда турли тадбирлар ташкил этиш жараёнида ҳам қўллаш мумкин. Масалан сеҳрли квадратлар ва нақшлар тузиш, турли ўйинлар асосида ўқувчиларни қизиқишини ошириш мүкин. Мантиқий фикрлашни ривожлантирувчи топшириклар учун масалан ўзбек халқ мақолларини ўрганиш, эртакларни билиш мақсадида мултфилмларни кўриш ва шу асосда саволлар орқали синовдан ўтказиш, бошланғич таълимда шеърий ёндошувдан фойдаланиш, математик бошқотирмалар, топишмоқлар каби турли йўллардан самарали фойдаланишимиз мумкин.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI: (REFERENCES)**

1. Топишмоқлар, 1981
2. Ўзбек халқ мақоллари.
3. Калонтаров Я.И “Уч халқнинг ҳикматлари”